

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МУСАГАЛИЕВ АЖИНИЯЗ ЖУМАГУЛОВИЧ**

**МИНТАҚА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ мисолида)**

**08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Мусагалиев Ажинияз Жумагулович**

Минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни  
солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш йўллари  
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида).....3

**Мусагалиев Ажинияз Жумагулович**

Пути повышения эффективности механизмов налогообложения  
юридических лиц в формировании доходов бюджета региона  
(на примере Республики Каракалпакстан).....32

**Musagaliev Ajiniyaz Jumagulovich**

Ways to improve the effectiveness of mechanisms for taxation of legal entities  
in the formation of regional budget revenues (on the example of Republic of  
Karakalpakstan).....60

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....65

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МУСАГАЛИЕВ АЖИНИЯЗ ЖУМАГУЛОВИЧ**

**МИНТАҚА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ мисолида)**

**08.00.07- Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2018.3.DSc/Iqt155 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Аимбетов Нагмет Қаллиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** **Олимжонов Одил Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ниязметов Исламбек Машарипович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Урмонов Жаҳонгир Жалолдинович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент Давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация химояси Тошкент Молия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертацияси билан Тошкент Молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Н.Қўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д.

**С.У.Меҳмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н,  
доцент

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш иқтисодий ривожланган мамлакатларга қараганда ривожланаётган мамлакатларда юқори кўрсаткичларда қайд этилмоқда. Нуфузли халқаро молиявий институтларнинг таҳлилларига кўра, бунга сўнгги йилларда ушбу мамлакатлар иқтисодиётида солиқларнинг умумий ставкаларининг пасайиши солиқ механизмлари самарадорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда. Мамлакатлар миллий иқтисодиётидаги ўсиш суръатлари бюджет даромадлари шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, бунда солиқ механизмларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли, “2017 йил жаҳон мамлакатларининг аксариятида давлат бюджети дефицит билан бажарилиб, АҚШ да 3,5 фоиз, Буюк Британияда 2,1, Германияда 1,2 ва Японияда 4,5 фоизни ташкил этган”<sup>1</sup>.

Ҳозирги глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашуви жараёнининг кучайиб бориши, турли даражадаги бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ механизми элементларини кўпроқ рағбатлантирувчи механизм сифатида ташкил этишни илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, турли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги мамлакатларда солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал этишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, даромадларни бюджетларнинг турли даражаларига мақсадга мувофиқ бириктириш, солиқлар ставкаларини ўзгартириш орқали солиқ механизмлари самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин, жаҳонда халқаро амалиётдаги ўзгараётган тенденция ва ўзига хос хусусиятлар мамлакатлар минтақалари ва ҳудудлари бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий шароитлар устуворлиги асосида солиқ механизмлари самарадорлигини таъминлашга зарурат тўғдирмоқда.

Ўзбекистон минтақаларида бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири этиб белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни жадал тараққий эттириш ҳисобидан ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш борасида изчил тадбирлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш; бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳарлар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш; солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга

---

<sup>1</sup> <http://www.oecd.org/eco>

кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш”<sup>2</sup> каби устувор вазифалар белгилаб олинган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши мамлакат минтақаларида бюджет тушумлари кўпайишини таъминлайдиган самарали солиққа тортиш механизмларини амалиётга татбиқ этиш заруратини кўрсатмоқда. Шу боис, минтақалар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва маҳаллий бюджет тушумларининг барқарор ўсишига таъсир кўрсатаётган асосий омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини мувофиқлаштиришда ҳудудларнинг устунлик салоҳиятини амалиётга татбиқ этиш воситасида солиқ механизмлари самарадорлигини таъминлаш бўйича муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сонли «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. Бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини ошириш, бюджет–солиқ тизими самарадорлигини баҳолаш, солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассалари ва халқаро молия ташкилотлари, жумладан, The World Bank (WB, АҚШ), International Monetary Fund (IMF, АҚШ), International Finance Corporation (IFC, АҚШ), Tax Administration Research Centre (TARC, Буюк Британия), Organization for Economic Cooperation and Development (OECD, Франция), Asian Development

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ 4947-сонли Фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.esrc.ukri.org>; <http://www.worldbank.org>; <http://www.imf.org>; <http://www.ifc.org>; <http://www.oecd.org>; <http://www.harvard.edu>; <http://www.uk.jstor.org>; <http://www.ubt.edu.sa>; <http://www.upi-institut.de>; <http://www.msu.ru>; ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

Bank Institute (ADB, Япония), Harvard University (AQSH), General Taxation and Customs Union (EC, Брюссель), Umwelt und Prognose Institut (UPI, Германия), University of Business and Technology (UBT, Саудия Арабистони), Chung Ang University (Жанубий Корея), Lithuania Business University of Applied Sciences (Литва), Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова (МГУ, Россия), томонидан амалга оширилмоқда.

Бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини ошириш, бюджет–солиқ тизими самарадорлигини баҳолаш, солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор илмий натижалар олинган, жумладан: корхоналардан олинган фойда солиғи механизмида имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган (TARC, Буюк Британия); мувозанатлашган бюджет-солиқ тизимини таъминлайдиган солиқ механизмларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (WB, AQSH); ресурс солиқлари таркибида нефть, табиий газ, суйилтирилган ёқилғи ва мазут учун солиқ ставкаларининг оширилиши энергия истеъмоли даражасини пасайтириб, бу ўз навбатида, табиат атроф муҳитига салбий таъсирларни камайтирган ва ғазнага кўшимча тушумларни таъминлаган, натижада билвосита солиқлар ва иш ҳақидан суғурта бадаллари пасайтирилишига имкон яратилган (UPI, Германия); солиқ юки миқдорининг пасайтирилиши хўжалик субъектлари молиявий фаолиятини рағбатлантириши исботлаб берилган (OECD, Франция); бюджет-солиқ тизимининг самарадорлигини таъминлаш бўйича солиқ маъмуриятчилигини баҳолашнинг услубий воситаси ишлаб чиқилган (TADAT), солиқ маъмуриятчилиги органларига тушумларнинг етмай қолган қисмини таҳлил қилиш дастури ишлаб чиқилган (RA-GAP) ва бюджет-солиқ соҳасида шаффофликни баҳолаш усули (FTEs) таклиф этилган (IMF, AQSH); нефть нарҳининг пасайиши оқибатида давлат бюджетига юзага келиши мумкин бўлган дефицитни қоплаш мақсадида энергетик субсидиялар учун маблағ сарфланиши йилига 1 фоиз пунктдан иқтисодий ўсишни таъминлаши ва давлат ташқи қарзлари миқдорини камайтиришга хизмат қилиши илмий асослаб берилган (UBT, Саудия Арабистони); ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар, жумладан: роялти, минерал хом ашё базасини қайта тиклаш учун ажратмалар ва акцизлар ўрнига ягона ер қаъри учун солиқнинг жорий қилиниши олдинги 3 турдаги солиқлар бўйича тушумлар ўрнига ғазнага кўп миқдорда тушумларни таъминлаши исботлаб берилган (МГУ, Россия).

Жаҳонда бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини оширишга доир устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: корхоналар молиявий фаолиятини барқарорлаштириш мақсадида солиқ юкини оптималлаштириш орқали рағбатлантирувчи омилларни кучайтириш; солиқ механизмлари самарадорлигини ошириш орқали бюджетга тушумлар кўпайишини таъминлаш ва потенциал солиқ тушумларни прогнозлаш; солиққа тортиш механизмларининг ҳудудий самарадорлигини ошириш ва ресурсларни

солиққа тортиш воситасида инвестицион жозибаторликни яратиш; солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Солиққа тортишнинг назарий концептуал асослари, шу жумладан хўжалик субъектларидан олинадиган солиқлар ва уларни солиққа тортиш механизмларидаги муаммолар У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, А.Вагнер, Дж.Кейнс, Ж.Стиглиц, М.Фридман, А.Лаффер, К.Макконнел, И.Александров, П.Акинин, С.Беликов, О.Врублевская, Л.Гончаренко, М.Девере, И.Майбуров, О.Мандрощенко, А.Перов, Д.Черник ва шу каби бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида ўрганилган<sup>4</sup>.

Солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини оширишга доир масалаларининг айрим жиҳатлари ва бюджет даромадларини шакллантиришга оид турлича ёндашувлар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан О.Абдурахмонов, М.Альмардонов, А.Ваҳобов, Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Каримов, Б.Тошмуродова, Ш.Тошматов, Н.Ҳайдаров, Қ.Яҳёев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган<sup>5</sup>.

Хусусан, таниқли олим А.Жўраевнинг илмий ишида давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари таҳлил қилинган<sup>6</sup>. Шунингдек, И.Ниязметов илмий иши солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш йўлларига бағишланган<sup>7</sup>, Ж.Урмоновнинг ишида эса тадбиркорлик субъектлари

---

<sup>4</sup> Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. –М.: Ось-89, 1997. – с 346.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов (книги I-III)./Пер. с англ. Е.М.Майбурда. –М.: Наука, 1993. – с. 572.; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения./Сочинения, том I. Пер. под ред. М.Н.Смит. –М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. – с. 360.; Wagner A. Grundlegung der Politischen Oekonomie. Part 1, vol.1. 3<sup>rd</sup> edn. –Leipzig. Winter, 1892.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. –М.: Гелиос АРВ, 2002. – с. 352.; Joseph E. Stiglitz. Rewriting the Rules of the American Economy an Agenda for growth and shared prosperity. Columbia University, 2015. page 256.; Fridman M. Milton Fridman on Economics: Selected Papers. University of Chicago Press, 2008, page 200.; Arthur V. Laffer, Ph.D. Stephan Moore. Return to Prosperity: How America can regain its Economics Superpower status by Arthur V. Laffer. New York: Threshold Editions, 2010, page 336.; Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-томах. Пер. с англ. 11-го изд. Т.1. –М.: Республика, 1992. – с.399.; Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник. –10-е изд., перераб. и доп. –М.: Дашков и К°, 2009. – с. 228.; Акинин П.В. Налоги и налогообложение: Учеб.пособие. –М.: Эксмо, 2008. – с 496.; Беликов С.Ф. Налоги и налогообложение: Практикум: учеб.пособие. –Ростов н/Д.: Феникс, 2006. – с 496.; Врублевская О.В. Налоги и налогообложение: Учебник. –6-е изд., перераб. и доп. –СПб.: Питер, 2010. – с. 528.; Налогообложение организаций: Учебник/ Под науч. ред. Л.И.Гончаренко. –М.: КНОРУС, 2014. – с. 512.; Девере М.П. Экономика налоговой политики. –М.: Филинь, 2002. – с. 328.; Налоговые реформы: Теория и практика. Учебник. Под ред. И.А.Майбурова, Ю.Б.Иванова. –М.: Юнити-Дана, 2015. – с. 463.; Мандрощенко О.В. Основные направления оптимизации налогообложения инвестиционной деятельности малых предприятий. –М.: Дашков и К°, 2010. – с. 160.; Перов А.В. Налоги и налогообложение: Учеб. пособие. –8-е изд., перераб.и доп. –М.: Юрайт-издат, 2007. – с. 939.; Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. –М.: Юнити. 1997. – с. 384.

<sup>5</sup> Абдурахманов О. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. –М.: КНОРУС, 2016. – с. 375.; Альмардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. Монография. –Т.: ТМИ, 2003. – 233 б.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. –Т.: Шарк, 2009. – 448 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 204 б.; Олимжонов О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи.//Солиқ тўловчининг журнали, 2006. №6. – б. 38-40.; Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: ТМИ. 2007. – 32 б.; Тошматов Ш. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кўчайтириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: БМА, 2008. – 38 б.; Ҳайдаров Н. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. –Т.: ДЖҚА, 2003. – 36 б.; Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Фан ва технология, 2003. – 247 б.

<sup>6</sup> Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: ДЖҚА. 2005. – 38 б.

<sup>7</sup> Ниязметов И. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. иқт.фан.док. дисс. автореферати. –Т.: БМА. 2018. – 70 б.

фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган<sup>8</sup>.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда Ўзбекистон минтақалари бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш масалалари назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ўзаро боғлиқликда алоҳида ва яхлит илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ҳолат ушбу диссертация ишида тадқиқ этилган Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини оширишга оид илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолар ва уларнинг ечими борасидаги таклиф ва тавсияларнинг долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида «Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришини минтақанинг ресурс салоҳиятидан комплекс фойдаланиш асосида такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш орқали Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадлари ўсишини таъминлайдиган илмий-услубий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

солиқ муносабатларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб, солиққа тортиш механизмларини минтақа бюджет даромадларини барқарорлаштириш билан узвий боғлиқликда таҳлил қилиш;

бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ тўловлари механизмларининг хориж тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни мамлакатимизда қўллаш бўйича амалий илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига солиқ тушумларининг амалдаги ҳолатини таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда тушумларни оширишга йўналтирилган солиққа тортиш механизмларини таклиф этиш;

умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджет даромадларига бириктирилган тушумларни таҳлил қилиш ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида солиқ тушумларининг истикбол башоратини тадқиқ этиш;

минтақа бюджетини самарали шакллантириш борасида солиққа тортиш механизмларидаги муаммоларни ўрганиш ва маҳаллий бюджет даромад манбаини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини оширишнинг маҳаллий шароитларини аниқлаш;

---

<sup>8</sup> Урмонов Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. иқт.фан.док. дисс. автореферати. –Т.: БМА. 2018. – 70 б.

худуддаги фойдали қазилма ресурслари салоҳиятидан маҳаллий бюджетга потенциал тушумларни таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Қорақалпоғистон Республикасининг бюджет даромадлари ва юридик шахсларнинг солиққа тортиш механизмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортишнинг минтақавий хусусиятлари ва юридик шахсларни солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида гуруҳлаш, умумлаштириш қиёсий, иқтисодий ва омилли таҳлил, динамикада таққослаш ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкасини пасайтириш орқали солиқ механизми самарадорлиги оширилиши асосланган;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг маҳаллий бюджет даромадларига бириктирилиши ва махсус тўловлар (бонуслар) бўйича тушумлардан минтақа бюджетига қисман ажратмалар берилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ягона ижтимоий тўлов механизми бўйича минтақадаги оғир мураккаб экологик шароитни инобатга олган ҳолда тўлов ставкасини пасайтириш таклиф этилган;

бюджет барқарорлигини таъминлаш юзасидан бюджетга юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқ тушумларини ўрта муддатга мўлжаллаб прогнозлаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ механизми бўйича унинг солиқ базасини кенгайтиришда худудда мавжуд минерал ресурслар таркибидаги лессимон тупроқ захираларидан потенциал тушумларни таъминлаш таклифи ишлаб чиқилган;

асосий капиталга киритилган инвестициялар самарадорлигини минтақа бюджет даромадларида солиқ тушумларининг ўсиш ҳолати билан баҳолаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича таклиф этилган ёндашувлар асосланган;

минтақа бюджети даромадларини шакллантириш жараёнининг маҳаллий хусусиятлари ва солиқ механизмларининг ҳудудий самарадорлигини оширишда табиий ресурслар фаол иштирок этишининг шарт-шароитлари аниқланган;

ресурс солиқлари тушумларининг ташаббускорлиги ва иштирокини фаоллаштириш орқали минтақа бюджети даромадларини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ механизмига, унинг солиқ базаси қамровини кенгайтириш бўйича

худуддаги минерал ресурслар захираларидан потенциал тушумларни шакллантириш имкониятлари баҳоланган;

умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларига бириктирилган тушумлар динамикада таҳлил қилиниб уларнинг минтақа бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни тадқиқ этилган;

хорижий мамлакатларнинг бюджет-солиқ механизмларидаги илғор тажрибалари умумлаштирилган ва минтақавий бюджет-солиқ механизми модификацияларини Қорақалпоғистон Республикасида ижобий фойдаланиш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

солиқ механизмлари самарадорлигини оширишда маҳаллий бюджетга солиқ тушумларида юридик шахслар тўлайдиган ресурс солиқларининг ривожланиш тенденциялари эконометрик таҳлил асосида таҳлил қилиниб, уларнинг ўрта муддатга мўлжалланган муқобил илмий прогнози ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестициялар самарадорлиги молиявий таҳлил қилиниб, самарадорликнинг солиқ тушумлари ўсиши билан ўзвий боғлиқлиги исботлаб берилган;

худудда мавжуд минерал ресурслар таркибидаги лессимон тупроқ захираларидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг потенциал манбаи очиб берилган ва ҳисобланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ бошқармаси, Давлат статистика бошқармаси, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, тадқиқотлар мъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва мавзу доирасида корхоналарнинг ҳисоботлари, таҳлилий маълумотларига асосланганлиги, шунингдек, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти солиқ тизимида юридик шахсларни солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини оширишга оид назарий-методологик ва мамлакат минтақалари бюджет даромадларини оптимал шакллантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини оширишга оид иқтисодий дастурлар ва истиқбол режаларни тузишда ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкасини пасайтириш орқали солиқ механизми самарадорлигини ошириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармониغا киритилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 июлдаги АУ/03-10/2082-сонли маълумотномаси). Мазкур Фармонга асосан, 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди. Таклифнинг жорий қилиниши хўжалик субъектларида солиқ юкни камайтириб улар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлади ва фойда солиғи механизми самарадорлигини ошириш имконини берган;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг маҳаллий бюджет даромадларига бириктирилиши ва махсус тўловлар (бонуслар) бўйича тушумлардан минтақа бюджетига қисман ажратмалар берилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклиф 2018 йилдан амалиётга қисман татбиқ этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 январдаги ПҚ-3454-сонли қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 августдаги 16/2-17816-сонли маълумотномаси). Унга мувофиқ, 2018 йил 1 январдан табиий ресурслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумлар республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланиши белгиланган. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 100 фоиз маҳаллий бюджетларга қолдирилган. Таклифнинг мамлакат барча ҳудудлари учун амалиётга тўлиқ татбиқ этилиши маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириб, уларнинг мунтазам ва ишончли солиқ базасини шакллантирган ҳамда солиққа тортишнинг ҳудудий самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ягона ижтимоий тўлов бўйича минтақадаги оғир мураккаб экологик шароитни инобатга олган ҳолда тўлов ставкасини пасайтириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармониغا киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 июлдаги АУ/03-10/2082-сонли маълумотномаси). Мазкур Фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Таклифнинг жорий қилиниши хўжалик субъектларини иш ҳақи фондида солиқ юкни камайтириб, юридик шахсларнинг фойда солиғи солинадиган база кенгайишини таъминлади ва шу тариқа солиқ механизми самарадорлиги оширилишига ижобий таъсир кўрсатган;

бюджет барқарорлигини таъминлаш юзасидан бюджетга юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқ тушумларини ўрта муддатга мўлжаллаб

прогнозлаштириш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 августдаги 16/2-17816-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармонида киритилган. Натижада Молия вазирлиги 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли бюджет мўлжалларини ишлаб чиқиш ва киритиш белгиланди. Таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш ва бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолиятини амалга ошириш имконини берган;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ механизми бўйича унинг солиқ базаси камровини кенгайтиришда худудда мавжуд минерал ресурслар таркибидаги лессимон тупроқ захираларидан потенциал тушумларни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли Фармонида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 июлдаги АУ/03-10/2082-сонли маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича минтақанинг 12 та тумани, шу жумладан, Амударё, Беруний, Қонликул, Қораўзак, Кегейли, Қунғирод, Нукус тумани, Тахтақўпир, Тўрткул, Чимбой, Шуманай ва Эликқалъа туманларида жойлашган 20 та кон бўйича 1 йилга 232262,1 минг сўмдан жами 4645242,0 минг сўм потенциал тушумлар ҳисобланиб минтақа бюджетини қўшимча маблағлар манбаи билан таъминлаш имконини берган ҳамда солиқ механизмлари самарадорлиги оширилишига хизмат қилган;

асосий капиталга киритилган инвестициялар самарадорлигининг минтақа бюджет даромадларида солиқ тушумларининг ўсиш ҳолати билан баҳоланиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 июлдаги АУ/03-10/2082-сонли маълумотномаси). Таклифнинг жорий қилиниши Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларини шакллантиришда худудларга жалб қилинган сармоялар самарадорлигини баҳолашда услубий йўналиш хизматини бажарган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 11 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шу жумладан, иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 18 та илмий мақола, шундан 16 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 230 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Солиқ муносабатларида солиққа тортиш механизмлари шаклланишининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида солиқларнинг моҳияти ва юридик шахсларни солиққа тортишнинг иқтисодий аҳамияти, иқтисодиётни тартибга солишда солиқ механизмларининг роли ва шунингдек, солиққа тортиш механизмлари шаклланишининг назарий асосларига оид илмий қарашларни қиёсий таҳлил этиш орқали назарий хулосалар ифодаланган.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт ривожланишини юксалтириш борасида жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда солиқ механизмлари иқтисодиёт ривожланишини юксалтириш, хўжалик субъектлари молиявий фаолиятини мустақкамлаш ва бюджет даромадларини оптимал шакллантиришга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Солиқ механизми субъектив тушунча бўлганлигидан иқтисодий тамойилларнинг моҳияти билан эмас, балки давлатнинг хохиши билан боғлиқдир. Давлат солиқ элементларининг истаган турини киритиши ёки бекор қилиши мумкин. Демак, солиқ механизми – бу “солиқ муносабатларининг қоида ва воситалари йиғиндисидан иборат бўлиб, улар ёрдамида солиқ сиёсатининг мақсадига эришиш таъминланади”<sup>9</sup>.

Диссертант фикрича, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар сари солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини оширишда мазкур тизим нафақат солиқларнинг фискал, балки кўпроқ рағбатлантирувчи механизм сифатида ташкил этилишига қаратилган бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ҳозирги шароитида давлатнинг хўжалик субъектлари операцион фаолиятига таъсир кўрсатиш механизмлари ўзгариб бормоқда. Корхоналар операцион фаолиятини бошқариш ва тартибга солишда асосий дастак бу, солиқ тизими, ёки солиққа тортиш механизмлари ҳисобланади. Корхоналарда операцион фойдани

<sup>9</sup> Данченко М.А. Налогообложение. Учебное пособие./ М.А.Данченко. – Томск.: ТГУ, 2015. – с. 78.

бошқаришда солиқ тўловлари муҳим аҳамият касб этиши сабабли, ушбу фойда ҳажмидан бюджет даромадларининг шаклланиши ҳамда корхона ва улар мулкдорларининг жорий ва истиқбол даврлардаги фаровонлик даражасининг оширили боғлиқдир. Бундай ҳолатда ҳал қилувчи омил корхона фаолиятида самарали солиқ сиёсатини шакллантириш ҳисобланади. Бир томондан, бюджетга солиқ тўловларининг оқимини оптималлаштирилишига ва иккинчи томондан эса корxonанинг умумий операцион фаолияти самарадорлигини оширишга имкон яратилиши керак.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, солиқ механизмлари самарадорлигини оширишда илмий-амалий жиҳатдан асосланган тадбирлар амалга ошириш йўли билан солиқ муносабатларига онгли ёндашишни кўчатириш ва солиқ маданиятини оширишни тақозо этади. Бунда, солиқ юкини камайтиришни солиқ тўловлари ставкаларини пасайтириш билан бирга солиққа тортиш жараёнларида енгилликлар ва қулайликлар яратиш ҳамда минтақалар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш орқали эришиш аҳамиятли.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида Қорақалпоғистон бюджетининг амалдаги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибий тузилиши ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиш тавсифи тадқиқ этилган. Мазкур бобда молия-солиқ муносабатларининг минтақавий методологик жиҳатлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларини шакллантиришнинг иқтисодий-молиявий шарт-шароитлари баҳоланган ҳамда бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмларининг хориж тажрибалари қиёсий таҳлил этилган.

Диссертант фикрича, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетни шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш зарур. Шу асосда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини замонавий ёндашувлар асосида самарали шакллантириш услуби қуйидаги 1-расмда келтирилган йўналишда амалга оширилиши тақлиф этилган.

Айни пайтда, мамлакатимиз ҳудудларида аксарият маҳаллий ҳокимликлар, молия-солиқ органлари томонидан бюджетга қўшимча солиқлар тушириш борасидаги резервлар тўлиқ амалга оширилмаяпти. Жумладан, “2018-йилнинг 5 ойи давомида солиқларнинг 60 фоизини илгаригидек 171 йирик корхона таъминлаб бергани, масалан Қорақалпоғистон Республикасида жами солиқ тушумининг 50 фоизи «ЎзКоргаз» ва «Устюртгаз» корхоналари, Навоий вилоятида эса 75 фоизи «Навоий кон-металлургия комбинати» ҳисобидан қопланиши”<sup>10</sup> маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда янгича ёндашувлар ишлаб чиқилиши долзарблигини англаиб бу борада чуқур тадқиқотларни талаб қилмоқда.

---

<sup>10</sup> Маҳаллий бюджетларга тушумлар ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича мавжуд имкониятларни тула ишга солиш – энг муҳим вазифадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев маърузаси. Халқ сўзи. 2018 йил 6 июн, №115 (7073) сони.



**1-расм. Ўзбекистон минтақаларида маҳаллий бюджетларни такомиллаштириш услубиёти<sup>11</sup>**

Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларининг шаклланишида ҳудудий туманларнинг иштироки ва тутган ўрнини ўрганиш мақсадида улар улушлари таҳлил қилинган (1-жадвал).

**1-жадвал  
Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадлари таркибида ҳудудий туманларнинг улуши<sup>12</sup> (2017 й.)**

(фоизда)

Худуд туманлари	Нукус шаҳри	Амударё тумани	Беруний тумани	Кетейли тумани	Қунғирод тумани	Қонлиқул тумани	Мўйноқ тумани	Нукус тумани	Тахтақуш тумани	Тўртқул тумани	Хўжайли тумани	Чимбой тумани	Шуманай тумани	Элликкаля тумани	Қораўзақ тумани
Туманлар улуши	19,0	8,3	7,5	4,9	8,4	2,5	1,7	4,8	1,7	8,9	13,1	5,4	2,0	8,9	2,9

<sup>11</sup> Ишланма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>12</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлил маълумотлари кўрсатдики, бунда, асосий ўрин Нукус шаҳрига (19,0 %) тўғри келади. Ундан кейин 14 та туманлардан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида иқлим яратувчи туманлар сифатида минтақа марказий Хўжайли (13,1 %) ва ғарбий Қунғирод (8,4 %) туманлари ҳамда жанубий Амударё (8,3 %), Беруний (7,5 %), Тўрткул (8,9 %) ва Эллиққалъа (8,9 %) туманларининг улушлари юқори. Бу ўз навбатида, ушбу туманларнинг табиий-географик жойлашуви, темир йўл ва транспорт магистрал коммуникацияси билан боғланиши, хўжалик субъектлари фаолияти фаоллиги, даромадлилик даражаси, аҳоли сони қабиларга боғлиқ бўлиб ижтимоий инфратузилма тизимининг бошқа туманларга нисбатан ривожланиш даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

Чимбой, Кегейли ва Нукус туманларининг улушлари 5 % атрофида бўлиб, айниқса, Қораўзак, Қонликул, Шуманай, Тахтақўпир ва Муйноқ туманларида бу кўрсаткич атиги 2,0 %ни ташкил этиб, аксарият ҳолатни тасдиқлайди. Агар “ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини солиштирсак, улар кун ва тундек бир-биридан фарқ қилади. Ҳудудий ва тармоқ бошқаруви самарасига, уларнинг ривожига ҳолис баҳо беришни қийинлаштирадиган ҳолатлар мавжуд. Масалан, республикага бўйсинадиган йирик корхоналар кўрсаткичини чиқариб ташласак, вилоятлар ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми жуда кичик бўлиб қолади”<sup>13</sup>.

Таъкидлаш жоизки, “ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича Муйноқ тумани Қорақалпоғистон Республикасининг туманлари ичида 11-чи ўрин эгаллайди ва Тахтақўпир, Шуманай ҳамда Чимбой туманлари билан бир қаторда паст ривожланган ҳудудлар сирасига киради”<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида мамлакат минтақалари маҳаллий бюджетлари даромадлари улуши 2010-2017 йиллар мобайнида хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетиде даромадлари 4,4-7,1 фоизни ташкил этиб, барча минтақалар орасида ҳажм кўлами бўйича рейтинг (8) ўринни эгаллайди. Бошқа минтақалар, жумладан Фарғона вилояти 10,8-14,6 фоизни ташкил этади (1 ўрин), Тошкент шаҳри 10,5-12,5 фоиз (2), Қашқадарё вилояти 8,9-12,2 фоиз (3), Самарқанд вилояти 7,5-12 фоиз (4), Тошкент вилояти 8,5-11,4 фоиз (5), Андижон вилояти 6-10 фоиз (6), Бухоро вилояти 5,8-7,8 фоиз (7), Сурхондарё вилояти 4,5-6,3 фоиз (9), Хоразм вилояти 3,9-6,2 фоиз (10), Наманган вилояти 4-5,7 фоиз (11), Навоий вилояти 4-5,2 фоиз (12), Жиззах вилояти 2,5-3,5 фоиз (13) ва Сирдарё вилояти 2,4-3 фоизни ташкил этади (14 ўрин)<sup>15</sup>.

Минтақа бюджетиде харажатларининг тўлиқ ҳажмда ўз маблағлари ҳисобидан қопланмаслиги сабабли, диссертант томонидан, федератив

<sup>13</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондири бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 49 б.

<sup>14</sup> Садыков А.М. и др. Социально-экономическая база развития Муйнакского района Республики Каракалпакстан до 2030 года. – Т.: Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, Совет Министров Республики Каракалпакстан, Представительство ПРООН в Узбекистане, 2015. – с. 9.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаган.

давлатлар минтақавий бюджет-солиқ механизми модификацияларини Қорақалпоғистон Республикасида тажриба синов тариқасида амалиётга татбиқ этиш таклиф этилган. Бунда минтақа бюджет харажатларини режалаштиришда ички резервларни аниқлаш ва “ҳар бир туман ва шаҳарда, республика аҳамиятига молик йирик корхоналар ҳиссасини эътиборга олмаган ҳолда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси барча туманларини субвенциядан чиқаришни таъминлаш”<sup>16</sup> муҳим.

Лекин молиявий ресурсларнинг чекланганлигини инобатга олган ҳолда марказ бюджетидан иқтисодий қўллаб-қувватлашлар кейинги йилларда босқичма-босқич камайтирилиб бориши турли дастур ва лойиҳаларда муҳокама қилинмоқда ва бу борада чоралар ишлаб чиқилмоқда. Шунинг учун айни вақтда асосий эътибор ички салоҳиятдан фойдаланиш асосида минтақанинг мавжуд рақобатли устунлиги билан ўз-ўзини ривожлантириш ғоясини амалга ошириш борасида кўшимча имкониятларни юзага чиқариш йўлидаги ишларни жадаллаштириш айни долзарб ҳисобланади. Устуворлик сифатида эса минтақадаги мавжуд бўлган табиий-хом ашё ресурслари салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланишга таянч керак.


Юқоридаги келтирилган фикрлар мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар даромадларини самарали шакллантириш ва улар харажатлари тўлиқ ўз маблағлағлари ҳисобидан қопланишини таъминлайдиган ёндашувлар ишлаб чиқишни ва бунинг учун эса солиқ механизмлари самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Диссертациянинг **“Минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларнинг солиқ тўловлари механизмлари таҳлили”** деб номланган учинчи бобида минтақа бюджети даромадлари шаклланишида юридик шахсларнинг бевосита солиқлар бўйича механизмлари таҳлили, ресурс солиқлари механизмларининг ҳолати ва уларни кучайтириш масалалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларини барқарорлаштиришда солиқ механизмларини фаоллаштириш ва шунингдек, солиқ тушумларининг истиқбол даврларга башорати тадқиқ қилинган.

Минтақа бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушумлари муайян салмоқга эга бўлиб, бунда ягона солиқ тўлови ҳамда юридик ва жисмоний шахслар учун тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларига қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумлар улуши юқори эканлиги кузатилди. Маҳаллий солиқлардан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг 2018 йил 1 январдан бошлаб умумий ставкаси 14 фоизни ташкил этиб юридик шахсларнинг фойда солиғи таркибига қўшилиб, солиқ механизми такомиллаштирилиши билан, аммо амалдаги ставка юқорилиги сабабли унинг фискал аҳамиятининг сақланиб қолиниши сезилмоқда (2-расм).

---

<sup>16</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 9 б.



**2-расм. Минтақа бюджети жами даромадларида бевосита солиқлар бўйича тушумлар динамикаси<sup>17</sup>**

Мамлакатимиз ҳудудларини иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурлари асосида меъерий ҳужжатлар мавжуд бўлса-да, айнан Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ривожланишини назарда тутувчи маҳаллий корхоналарга, айниқса, минтақанинг узок чекка ҳудудларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари учун адресли солиқ имтиёзларининг мавжуд эмаслиги диссертант фикрича, минтақа бюджет даромадларинининг барқарорлашишига имкон бермаяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадида бевосита солиқлар тушумларида ҳудуд туманларининг улушлари турлича бўлиб, минтақанинг узок чекка ҳудудларидаги иқтисодий қалоқ туманлар улушлари паст даражада. Буларга Қораўзак, Қонликул, Шуманай, Тахтақўпир ва Муйноқ туманлари киради, улар улушлари 1,7-2,9 фоизни ташкил этади. Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов бўйича тушумларда ҳам ҳудуд туманларининг улушлари бир текис эмас. Хусусан Кегейли, Нукус тумани, Қораўзак, Шуманай, Тахтақўпир ва Муйноқ туманларининг улушлари 1,5-2,8 фоизни ташкил этиб<sup>18</sup>, ушбу туманлар фискал аҳамияти самарасиз.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011-2017 йиллари минтақа маҳаллий бюджети даромадларининг умумий ҳажмида ресурс солиқлари тушумлари салмоғининг ҳам пасайиб бориш хусусияти кузатилди. Бу, маҳаллий бюджет даромадларида ҳозирча ресурс солиқлари бўйича тушумларнинг бевосита солиқлардан паст эканлигини англатиб, фойдали қазилма бойликлардан тўлиқ фойдаланиш учун ҳудудга инвестиция оқимини жалб этишни кучайтириш лозимлигини ифодалайди. Шу боис, давлат томонидан хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланиш мақсадида саноат қайта ишлаш соҳаси фаолиятини ривожлантириш зарур.

<sup>17</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф тузган.

<sup>18</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаган.

**Минтақа маҳаллий бюджети жами даромадларида ресурс солиқлари тушумларининг салмоғи<sup>19</sup>, (фоизда)**

Кўрсаткичлар	Йиллар							2017 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
<b>Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадлари:</b>	100	100	100	100	100	100	100	X
<b>Ресурс солиқлари жами</b>	9,9	8,7	6,9	6,2	9,4	6,2	6,2	-3,7
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	1,4	1,7	1,4	1,0	1,9	0,9	1,2	-0,2
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	5,6	5,1	3,8	3,7	6,2	4,6	4,1	-1,5
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2,9	1,9	1,7	1,5	1,3	0,7	0,9	-2,0

Диссертант фикрича, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларини шакллантиришда табиий ресурсларни солиққа тортишнинг ҳудудий самарадорлигини ошириш мақсадида, федератив давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида минтақавий бюджет-солиқ механизмлари модификацияларини қўллаш лозим. Дастлабки босқичда солиқ тушумларидан минтақавий ажратмалар берилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу:

махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида (вақтинча, қисман ёки маълум муддатгача) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджети (маҳаллий бюджет) даромадларига қолдириш (бириктириш);

Қорақалпоғистон Республикасидаги минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича маҳаллий хўжалик субъектлари ташаббускорлигида инвестицион лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида махсус тўловлар (бонуслар) бўйича тушумлардан минтақа бюджетига ажратмалар бериш ва ставкаларни белгилаш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат доираларини кенгайтириш<sup>20</sup> тарзда таклиф этилган.


Таҳлил натижасида, маҳаллий бюджетлар даромадларига умумдавлат солиқларидан бириктирилган тушумлар таркибида республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи бўйича акциз солиғи бўйича тушумларнинг ҳудуд туманлари бўйича Беруний, Хўжайли ва Чимбой туманлари ҳиссасидан бажарилишининг етарли эмаслиги аниқланган.

Диссертация ишида солиққа тортишнинг такомиллаштирилиши натижасида, солиқ механизмлари самарадорлиги оширилиши юзасидан, яъни

<sup>19</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф тузган.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 августдаги 16/2-17816-сонли далолатномаси.

пировард кўрсаткичга таъсир этувчи омилларнинг ўзвий боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда юридик шахслар тўлайдиган ресурс солиқларининг истиқбол даврларга мўлжалланган башорат кўрсаткичлари тадқиқ қилинган. Бунда, 2021 йилгача бўлган даврга ишлаб чиқилган ўрта муддатли прогноз башоратларида, минтақа табиий хом ашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига маҳаллий бюджет даромадларининг ўсиши таъминланиши ва республика бюджетидан бюджет субвенциялари миқдорининг камайиш тенденцияси кузатилди (3-расм).



**3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан бюджет субвенцияларининг ўзгариши динамикаси графиги ва унинг тренди<sup>21</sup>**

Прогноз башорати маълумотлари кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан даромадларидаги ресурс солиқлари тушумлари улушининг кўпайиши билан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида ресурс солиқлари тушумлари салмоғининг ўсиши таъминланади (4-расм).



**4-расм. Ресурс солиқлари улушининг 2021 йилгача бўлган даврга ишлаб чиқилган прогнози<sup>22</sup>, (% да)**

<sup>21</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф тайёрлаган.

<sup>22</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф тайёрлаган.

Прогноз башорати маълумотлари кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларидаги ресурс солиқлари тушумлари улушининг кўпайиши билан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида ресурс солиқлари тушумлари салмоғининг ўсиши таъминланади (4-расм).

Диссертациянинг **“Минтақа маҳаллий бюджетини мустаҳкамлашда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш”** деб номланган тўртинчи бобида юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўллари, солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда минтақа минерал ресурслари захираларидан фойдаланиш истиқболлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига солиқ тушумлари захираларининг потенциал имкониятлари хусусида тегишли хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритувчи юридик шахс мақомидаги реал сектор корхоналарида солиқ тўловлари механизмларининг ҳолати қиёсий баҳоланган ва самарадорлигини ошириш бўйича берилган таклифлар илмий асосланган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Донни қайта ишлаш корхоналарида жами солиқларнинг 1 млн. сўм ялпи фойдага самарадорлилик коэффициенти баҳоланганда 2013 йили 0,08 фоизни ташкил этиб, таҳлил қилинган йилларда барқарор ўсиши кузатилади. Бу, корхоналарда ялпи фойданинг кўпайиши билан солиққа тортиш даражасининг ошиши натижасида солиқ босимининг ортишидан далолат беради. Жами солиқларнинг 1 млн. сўм соф тушумга самарадорлилик коэффициенти баҳоланганда 2013 йили 1,6 фоизни ташкил этиб таҳлил қилинган йилларда камайиш хусусияти кузатилди. Бу ҳолат, корхоналарда соф тушум ва товар айланма (оборот) кўламлари кўпайиши билан изоҳланади.


Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг 1 млн. сўм солиқ тўлагунга қадар фойдага самарадорлиги баҳоланганда 2013 йили 0,76 фоизни ташкил этиб таҳлил қилинган йиллар бўйича ўзгариши динамикасида 2014, 2015 ва 2016 йилларда юқори суратда ўсиши кузатилди. Бу, корхоналарда солиқ тўлагунга қадар фойданинг кўпайиши билан, аммо, фойда солиғи фискал таъсирининг ошишидан далолат беради (5-расм).

Тадқиқотчининг фикрича, юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини оширишни фойда солиғи механизмида унинг ставкасини пасайтириш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу тадбир 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб фойда солиғи таркибига қўшилиб унификация қилинган<sup>23</sup>, маҳаллий солиқлардан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ставкаси ҳиссаси эвазидан амалга оширилиши ўринли бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасининг 2 фоизга туширилиши

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли қарори.

Қорақалпоғистон Республикаси Донни қайта ишлаш корхоналарида фойда солиғини 1 млн. сўм солиқ тўлагунга қадар фойдага самарадорлигини (0,14-0,12) 0,02 фоиз пунктга оширилишини таъминлайди.



### 5-расм. Қорақалпоғистон Республикасида Донни қайта ишлаш корхоналарида солиққа тортиш механизмлари самарадорлиги коэффициенти<sup>24</sup>, (% да)

Шу билан бирга, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи солинадиган базага оид қўйидаги жиҳатлар ҳисобидан самарадорлилик оширилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, фойда солиғи базасидан чегириладиган харажатлар таркибига кирувчи иш ҳақи фондида ягона ижтимоий тўлов бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги оғир мураккаб экологик шароитни инобатга олган ҳолда тўлов ставкасининг пасайтирилиши<sup>25</sup> натижасида фойда солиғига тортиладиган база кенгайиши таъминланади. Бу ўз навбатида, мазкур ҳудуд хўжалик субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантиради, солиқ юқини камайтиради ва улар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайди, шунингдек солиқ механизмлари самарадорлиги оширилишига химат қилади.


Хулоса ўрнида тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, солиқ тўлови ставкаларини пасайтириш орқали самарадорлиқнинг оширилиши бюджетга солиқ тушумларини камайтирмайди, аксинча, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 5 фоизга туширилиши чегириладиган харажатларни камайтириб (энг кам иш ҳақи мисолида  $202730 \text{ сўм} * 25\% = 50682,5 \text{ сўм}$ ;  $202730 \text{ сўм} * 20\% = 40546 \text{ сўм}$ ) фойда солиғи солинадиган базани 10136,5 сўмга кенгайтиради. Бунинг натижасида, фойда солиғи самарадорлиги оширилишига эришилади ва бюджетга солиқ тушумлари кўпайиши ҳам таъминланади. Шунингдек, ягона

<sup>24</sup> Тадқиқот натижалари бўйича муаллиф тайёрлаган.

<sup>25</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 июлдаги АУ/03-10/2082-сонли далолатномаси.

ижтимоий тўлов 15 фоизли ставкасининг 3 фоизга туширилиши микрофирма ва кичик корхоналарда мазкур тўлов механизми самарадорлигини (0,15-0,12) 0,03 фоиз пунктга оширилишини таъминлайди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Ёғ-мой комбинатларида мол-мулк солиғи ва ресурс тўловларининг ялпи фойдадаги улуши 10 млн. сўм операцияларга солиқ қамровилиги (налогоёмкость) баҳоланганда 2013 йили бу кўрсаткич 0,5 фоизни ташкил этиб, таҳлил қилинган йилларда 2014 йили 2013 йилга нисбатан 0,03 фоиз пунктга камайган, ва аксинча 2015 йили 2014 йилга нисбатан 0,04 фоиз пунктга ва 2016 йили 2015 йилга нисбатан 0,01 фоиз пунктга ўсган. Лекин 2017 йилда бу коэффициент камайган ҳолда 2013 йилга нисбатан 0,25 фоиз пунктга пасайган (6-расм).



**6-расм. Қорақалпоғистон Республикасида Ёғ-мой комбинатларида мол-мулк солиғи ва ресурс тўловларининг солиқ қамровилиги коэффициенти динамикаси графиги<sup>26</sup>, (% да)**

Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловларининг соф тушумдаги улуши 10 млн. сўм операцияларга солиқ қамровилиги коэффициенти баҳоланганда 2013 йили 0,10 фоизни ташкил этиб таҳлил қилинган йилларда камайиш хусусияти кузатилди. Бу, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасининг йилдан-йилга оширилиб борилиши билан корхоналар молиявий ресурслари бирлигига тўғри келадиган солиқ тўловлари миқдорининг кўпайишидан далолат беради.

Таҳлил натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида умумдават солиқларидан бириктирилган акциз солиғи бўйича тушумлар улуши таҳлил қилинган йилларда камайган. Ёғ-мой комбинатларида эса акциз солиғи тушумларининг жами солиқлардаги улуши таҳлил қилинган йилларда кўпайиб бориши кузатилди (3-жадвал).

<sup>26</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида ва Ёғ-мой комбинатларида акциз солиғи тушумларининг қиёсий таҳлили<sup>27</sup>, (%ода)**

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши
<b>Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадлари, жами</b>	100	100	100	100	100	X
Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида умумдавлат солиқларидан бириктирилган акциз солиғи бўйича тушумлар улуши	14,1	10,8	8,3	7,6	12,3	-1,8
Ёғ-мой комбинатларида акциз солиғи тушумларининг жами солиқлардаги улуши	29,7	43,6	46,7	38,6	43,6	+13,9

Мазкур солиқ бўйича тушумларнинг фақатгина, Беруний, Хўжайли ва Чимбой туманлари ёғ-мой комбинатлари томонидан бажарилишининг етарли эмаслиги сабабли, прогноз кўрсаткичларини бажаришда қайд этилган учта корхона зиммасидаги солиқ босимини пасайтириш мақсадида акциз солиғи бўйича бириктирилган тушумлар таркибини кенгайтириш таклиф этилган. Дастлабки босқичда алкоголь маҳсулотлари бўйича тушумларни ҳам тўлиқ маҳаллий бюджетга қолдириш мақсадга мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида талайгина фойдали қазилмалар захиралари мавжуд бўлиб, уларга табиий газ, минерал тузлар (ош тузи, сульфат тузи), глауконит, вермикулит, керамзит хом ашёси, ғишт черепица хом ашёси, цемент хом ашёси, далашпат хом ашёси ва волластонит, тальк ва тальк тоши, рангли тош (родонит), порфорит тоши, оҳак тоши, кварцит, гранит, гипс ва ангидрит, грандеорит, мрамор, лиственит, қурилиш тоши, табиий безак тошлар, кум шағал аралашмаси, қурилиш учун ва силикат учун кум, шунингдек темир (титано магнетит рудаси) кабиларни айтиш мумкин<sup>28</sup>.

Минтақа шароитида, “Қунғирод, Тахтақўпир, Чимбой, Кегейли ва Қораўзак туманларининг фойдали қазилмаларидан фойдаланиш ҳудудларни ободонлаштириш ва индустриализациялаш жараёнида қурилиш материалларига ўсиб бораётган талабнинг ортиши туфайли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича ҳудудлараро лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Турар жой, ижтимоий-маданий ва саноат объектларини капитал қуришда қурилиш материалларига бўлган талабнинг ортишини эътиборга олган ҳолда, гипепрессланган ва пишиқ ғишт, оҳак, темир бетон конструкциялар ва шлакоблоклар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади”<sup>29</sup>.

<sup>27</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари ва корхоналар ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>28</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида олинган.

<sup>29</sup> Садыков А.М. и др. Социально-экономическая база развития Муйнакского района Республики Каракалпакстан до 2030 года. – Т.: Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, Совет Министров Республики Каракалпакстан, Представительство ПРООН в Узбекистане, 2015. – с. 62-63.

Диссертант фикрича, минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда табиий ресурслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни асосий манбага айлантириш орқали солиқ механизмлари самарадорлигини ошириш мумкин. Чунки, Ўзбекистон минтақалари ичида Қорақалпоғистон Республикаси минерал ресурслар захираларига бой бўлганлиги боис, ресурсларни оқилона ва мақсадга мувофиқ солиққа тортишни ташкил этиш маҳаллий бюджетни узлуксиз тушумлар билан таъминлаш имконини беради. Бу, билвосита солиқлар сонини камайтириш, ставкаларини пасайтириш ва бюджет даромадларида улар тасниф гуруҳи нисбатини оптималлаштириш имконини беради.

Мазкур ишларни амалий жиҳатдан жадаллаштириш учун минтақада инвестицион фаолликни кўчайтириш зарурлигини эътироф этган ҳолда, табиий ресурслардан солиққа тортишда фойдаланишда инвестицияларни қайси соҳага устувор жалб этиш зарурлигини аниқлаш ва унинг самарадорлилик кўрсаткичларини баҳолаш айни муҳим. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ механизмлари самарадорлигини ошириш учун асосий дастак инвестициялар ҳисобланади.

Диссертация ишида кўриб ўтилган статик модель асосида шакллантирилган сармоялар самарадорлигининг оптималлик шarti бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 2016-2017 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар самарадорлиги маҳаллий бюджет даромадларида солиқ тушумларига ички фойдалилик даражаси бўйича молиявий таҳлил қилинди.

Математик усулларни бажариш орқали куйидаги натижалар олинди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасида инвестициялар самарадорлигининг қиёсий таҳлили<sup>30</sup>

ҚР да асосий капиталга киритилган инвестициялар, (млрд. сўм)		ҚР бюджет даромадларида солиқ тушумлари, (млрд. сўм)				Самарадорлиги, (%)	Динамик ҳолат
		жорий	прогноз				
2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.		
1 (C <sub>1</sub> )	2 (C <sub>2</sub> )	3 (P <sub>3</sub> )	4(P <sub>4</sub> )	5 (P <sub>5</sub> )	6 (P <sub>6</sub> )	P	
3682,0	2235,0	1133,3	1557,8	1808,1	2080,1	20	1-вариант сценарий
3682,0	2235,0	1133,3	1358,3	1488,9	1619,4	-1	2-вариант сценарий

Таҳлил натижалари кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд фойдали қазилмалар конларини ўзлаштириш ва солиққа тортишда фойдаланиш юзасидан 2016-2017 йилларда асосий капиталга киритилган

<sup>30</sup> Тадқиқот натижалари бўйича муаллиф томонидан тузилган.

инвестицияларнинг маҳаллий бюджет даромадларидаги солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларига ички фойдалилик бўйича самарадорлиги 1-вариант сценарийсида “20” фоизни ташкил этди. 2-вариант сценарийсида эса самарадолилик “-1” фоизни ташкил этиб, салбий кўрсаткичга эга бўлди. Буни илмий ишда ишлаб чиқилган Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида солиқ тушумлари прогнозининг 2-вариант сценарий маълумотлари ҳам исботлади. Хусусан, 2019 йил прогноз маълумотларида, унда солиқ тушумлари ўсиш эмас, аксинча, камайиши кузатилиб, фақатгина 2020 ва 2021 йилларга бориб ўсиш бошланиши кузатилади. Бу ўз навбатида, солиқ тушумларининг ўсиши билан инвестициялар самарадорлиги ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотлар қуйидагича хулоса қилишга асос бўлади. Минтақада мавжуд фойдали қазилмалар захираларидан солиққа тортишда оқилона фойдаланиш маҳаллий бюджет тушумларига янги даромад манбаларини шакллантириш имконини беради. Бунинг учун ўзлаштирилмаган минерал ресурслари конларини тўлиқ ўзлаштириш ва бу жараёнга инвестицияларни кенг жалб этиш керак.

Тадқиқотда 5-жадвал маълумотларида келтирилган Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд минерал ресурслар захиралари таркибида лессимон тупроқ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ тушумлари салоҳияти ҳисобланди. Ҳисобланган потенциал солиқ тушумлар, жумладан Амударё, Беруний, Қонликул, Қораўзақ, Кегейли, Қунғирод, Нукус тумани, Тахтақўпир, Тўрткул, Чимбой, Шуманай ва Эллиқкалга туманларида жойлашган 20 та кон бўйича 1 йилга 232262,1 минг сўмдан жами 4645242,0 минг сўмни ташкил этди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тўла ишонч билан хулоса қилса бўлади, яқин истиқболда минтақа бюджети даромадлари барқарорлашади ва солиқ механизмлари самарадорлигининг ошиши таъминланади.

**Қорақалпоғистон Республикасида ўзлаштирилмаган конларда мавжуд  
минерал ресурслар захиралари бўйича солиқ салоҳияти<sup>31</sup>**

Конлар жойлашган туманлар	Конларнинг номи	01.01.2017 йил ҳолатига (минг м <sup>3</sup> ), А+В+С <sub>1</sub> категория	Захираларнинг тасдиқланиш йили ва баённома №	Ғишт-черепица хом ашёсига 2018 йил учун амалдаги солиқ ставка, % да	Солиқ тушумлари салоҳияти (1 йил учун), минг сўм
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>
Амударё	Нукус (1986)	2299,4	ТКЗ, 1986, №1187	5	232262,1
	Амударё (1986)	752,0	ТКЗ, 1986, №1195	5	232262,1
Беруний	Беруний (1987)	1131,0	ТКЗ, 1987, №1218	5	232262,1
Қанликул	Алтинкул (1986)	843,0	ТКЗ, 1986, №1188	5	232262,1
Қораўзак	Қораўзак (1979)	2724,8	ТКЗ, 1979, №1066	5	232262,1
Кегейли	Бозатаў (1982)	1598,0	ТКЗ, 1982, №1100	5	232262,1
	Кегейли (1991)	661,0	НТС Химгеол-неруд, 1991, №4	5	232262,1
Қунғирод	Қунғирод	3697,7	ТКЗ, 1966, №894	5	232262,1
Нукус тумани	Бердах (1982)	1505,0	ТКЗ, 1982, №1103	5	232262,1
	Бештўбе II (1990)	2961,0	ТКЗ, 1990, №1250	5	232262,1
	Нукус (1990)	3058,0	ТКЗ, 1990, №1250	5	232262,1
	Тугай (2015)	31,0	ГКЗ, 2015, №287	5	232262,1
Тахтақўпир	Тахтақўпир (1993)	1105,0	ГКЗ, 1993, №1	5	232262,1
Тўрткул	Элликқалъа (1975)	181,7	ТКЗ, 1975, №1023	5	232262,1
	Джамбасқалъа (1984)	3919,0	ТКЗ, 1984, №1151	5	232262,1
	Дўстлик (2014)	48,1	ГКЗ, 2014, №162	5	232262,1
Чимбой	Чимбой (1985)	919,9	ТКЗ, 1985, №1175	5	232262,1
Шуманай	Шуманай-2 (2015)	76,1	ГКЗ, 2015, №247	5	232262,1
	Шуманай (1985)	861,0	ТКЗ, 1985, №1177	5	232262,1
Элликқалъа	Қирққиз (1969)	218,9	ТКЗ, 1969, №957	5	232262,1

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 25.09.2017 йилги №ГГИЦ-3463 сон хати бўйича тақдим этилган маълумотлар асосида Нукус шаҳрида жойлашган МЧЖ “Эталон-кирпич” корхонаси ҳисобот маълумотлари бўйича муаллиф томонидан тузилган.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Мамлакатимиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, жойларда турли даражадаги бюджетларни шакллантиришда муаммолар пайдо бўлиши сабабли маҳаллий бюджетлар ислохотларга муҳтождир. Ўзбекистон минтақалари ўртасида кескин тафовутлар мавжуд бўлиб, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда солиққа тортиш механизмларини мазкур тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда мамлакат минтақавий хусусиятларидан келиб чиқиб янгича ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

2. Бюджет даромадларини шакллантиришда бевосита солиқлар механизмида фойда солиғининг амалдаги ставкасини пасайтириш таклиф этилди. Ушбу, 2018 йилдан бошлаб фойда солиғи таркибига қўшилиб унификация қилинган маҳаллий солиқлардан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳиссаси эвазидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида, хўжалик субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантириб улар молиявий фаолиятини мустақамлашга ижобий таъсир кўрсатади ва солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3. Қорақалпоғистон Республикасидаги оғир мураккаб экологик шароитни инобатга олган ҳолда маҳаллий хўжалик субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов бўйича минтақавий табақалаштирилган пасайтирилган ставкадаги механизм қўлланилиши таклиф этилди. Бу, минтақанинг иқтисодий қалоқ туманларида хўжалик субъектларини солиқлар борасида рағбатлантириб иш ҳақи фондида солиқ юқини камайтиради ҳамда фойда солиғи солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ механизми самарадорлиги оширилишига ижобий таъсир кўрсатади.

4. Табиий ресурсларни солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини ошириш мақсадида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар минтақа маҳаллий бюджетига қолдирилиши мақсадга мувофиқ. Бу, айниқса Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий қалоқ, “фискал самарасиз” (Шуманай, Чимбой, Қораўзак, Тахтақўпир ва бориши узоқ бўлган Муйноқ) туманларига таълуқли бўлиб, ҳудудларни нафақат геолог қидирув ишларини амалга ошириш учун зарур маблағлар билан таъминлашда, балки иқтисодий салоҳиятни мустақамлаш ва уларни мамлакатимизнинг бошқа минтақалари туманлари даражаси билан инфраструктуравий тенглаштириш масалаларини ҳал қилишга кўмаклашади.

5. Қорақалпоғистон Республикасидаги минерал хом ашё ресурсларини чуқур кайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида махсус тўловлар (бонуслар) бўйича тушумлардан минтақа бюджетига инвестицион лойиҳалар кўринишида қисман минтақавий ажратмалар берилиши лозим ва тўлов механизми самарадорлигини ошириш юзасидан ставкаларни

белгилаш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат доираларини кенгайтириш таклиф этилди. Бу ўз навбатида, минтақадаги минерал ресурслар асосида саноат лойиҳалари амалга оширилишини рағбатлантиради ва маҳаллий хўжалик субъектларида ташаббускорликни оширади.

6. Солиққа тортиш механизмлари такомиллаштирилиши натижасида бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахслар тўлайдиган ресурс солиқлари улушининг истиқбол даврларга мўлжалланган ўрта муддатли илмий прогнози эконометрик таҳлил қилинганда, прогноз кўрсаткичи маълумотларида солиқ тушумларида ресурс солиқлари улушининг келгуси даврлар учун янада кўпайиб боришини кўрсатди. Бунинг натижасида бюджет даромадлари барқарорлашгандан сўнг, кейинги муддатларда минерал ресурслар захиралари чекланганлиги боис, улардан ниҳоятда тежамкорлик асосида фойдаланган ҳолда ишлатиш каби тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

7. Эконометрик таҳлилларнинг кўрсатишича Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларидаги ресурс солиқлари тушумлари улушининг кўпайиши билан, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида ресурс солиқлари салмоғининг ўсиши таъминланади. Бу бюджет даромадларида солиқлар гуруҳи нисбатларини таркибий оптималлаштириш имконини беради.

8. Минтақа табиий хом ашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш маҳаллий бюджет даромадларининг ўсишини таъминлайди, ушбу республика бюджетидан бюджет субвенциялари миқдорининг камайишига олиб келади. Бу ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси минтақаси иқтисодий сўст ривожланаётган туманларини субвенция олишдан чиқарилишига ижобий таъсир кўрсатиб, улар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришига имкон яратади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларини шакллантиришда умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетлар даромадларига бириктирилган акциз солиғи бўйича республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи бўйича тушумлар таркиби кенгайтирилиши лозим. Дастлабки бошқичда спиртли ичимликлар бўйича тушумларни тўлиқ киритиш таклиф этилди. Бу ўз навбатида, республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар улуши кўпайишини ва мазкур механизмнинг худудий самарадорлигини оширишни рағбатлантиради.

10. Қорақалпоғистон Республикаси минтақасида мавжуд фойдали қазилмалар захираларидан оқилона фойдаланиш маҳаллий бюджет тушумларига янги даромад манбаларини шакллантириш имконини беради. Бунинг учун ўзлаштирилмаган минерал ресурслар конларини тўлиқ ўзлаштириш лозим ва бу жараёнга инвестицияларни кенг жалб этиш бўйича фаол ишчанлик олиб борилиши керак.

11. Минтақада мавжуд фойдали қазилмалар конларини ўзлаштириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида 2016-2017 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг маҳаллий бюджет даромадларида солиқ тушумларига ички фойдалилик бўйича самарадорлиги молиявий таҳлил

қилинди. Таҳлилда 1-вариант сценарийсида самарадорлик “20” фоизни ташкил этди. 2-вариант сценарийсида эса самарадорлик “-1” фоизни ташкил этиб, салбий кўрсаткичга эга бўлди. Бу ҳолатни диссертацияда ишлаб чиқилган Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида солиқ тушумлари прогнозининг 2-вариант сценарий маълумотлари ҳам исботлади. Хусусан, 2019 йил прогноз маълумотларида, унда, солиқ тушумлари ўсиш эмас аксинча, камайиши кузатилиб, фақатгина 2020, 2021 йилларга бориб ўсиши кузатилди. Бундан, солиқ тушумларининг ўсиши инвестициялар самарадорлигига боғлиқ деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Бу ўз навбатида, минтақа бюджети даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмлари самарадорлигини комплекс услубий баҳолашга хизмат қилади.

12. Мамлакатимизда табиий ресурсларни солиққа тортишдан Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар таркибида ер қаъри ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар ва махсус тўловлар (бонуслар), қўшимча фойда солиғи кабилар муҳим аҳамият касб этади. Лекин ушбу солиқлар механизмларида тегишли соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг ўзига хос хусусияти ва шароитлар инобатга олинмаяпти. Бу ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва махсус тўловлар (бонуслар) механизмида намоён бўлади. Ушбу солиқлар ставкаси белгиланишида минерал ресурслар конларининг жойлашиш ҳолати, казиб олишнинг мураккаблиги ва фойдали компонентларга ишлов бериш жараёни муддати ва бошқалар ҳисобга олиниши зарур ва бунда маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки таъминланиши ўринли.

13. Ресурс солиқлари механизми бўйича унинг солиқ базаси қамровини кенгайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд минерал ресурслар таркибида лессимон тупроқ (черепица ва пишиқ ғишт ишлаб чиқариш учун хом ашё) бўйича тадқиқотда қайд этилган “тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули” асосида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ тушумлари салоҳияти ҳисобланди. Бунинг учун Нукус шаҳрида жойлашган МЧЖ “Эталон-кирпич” корхонаси маълумотлари кўрсаткичларидан фойдаланилди ва рақамларни шартли равишда қабул қилиш йўли билан потенциал солиқ тушумлар ҳисобланди. Ҳисоблаб чиқилган потенциал тушумлар минтақанинг 12 та туманида жойлашган 20 та кон бўйича 1 йилга 232262,1 минг сўмдан жами 4645242,0 минг сўмни ташкил этиб, маҳаллий бюджет даромадларига тушумларнинг янги манбаи очиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.1.17.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ  
ИНСТИТУТЕ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ  
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК КАРАКАЛПАКСКОГО  
ОТДЕЛЕНИЯ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МУСАГАЛИЕВ АЖИНИЯЗ ЖУМАГУЛОВИЧ**

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕХАНИЗМОВ  
НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В ФОРМИРОВАНИИ  
ДОХОДОВ БЮДЖЕТА РЕГИОНА  
(на примере РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН)**

**08.00.07- Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ  
докторской (DSc) диссертации по экономическим наукам**

**Ташкент - 2019**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрировано Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан B2018.3. DSc/Iqt/155.**

Диссертация выполнена в Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:** **Аимбетов Нагмет Каллиевич**  
доктор экономических наук, академик

**Официальные оппоненты:** **Олимжонов Одил Олимович**  
доктор экономических наук, профессор

**Ниязметов Исламбек Машарипович**  
доктор экономических наук

**Урмонов Жахонгир Жалолдинович**  
доктор экономических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский Государственный  
экономический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.I.17.01 при Ташкентском Финансовом институте. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Тимура, 60-А. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [info@tfi.uz](mailto:info@tfi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского Финансового института (зарегистрирован за № 17). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Тимура, 60-А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [info@tfi.uz](mailto:info@tfi.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(протокол реестра № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**И.Н.Кузиев**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор экономических наук  
**С.У.Мехмонов**  
Секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор экономических наук,  
профессор

**Ж.И.Каримкулов**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
кандидат экономических наук, доцент

**ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом масштабе отмечаются высокие показатели социально-экономического развития в развивающихся странах по сравнению с развитыми странами. Согласно анализам престижных международных финансовых институтов в экономике этих стран за последние годы важными факторами в этом служили снижение общих налоговых ставок по обеспечению эффективности налоговых механизмов. Темпы роста в национальной экономике стран связаны с формированием доходов бюджета и все большим возрастанием роли и значения налоговых механизмов. Так, в 2017 году в большинстве стран мира государственный бюджет был выполнен с дефицитом. В том числе дефицит составил в США 3,5 %, Великобритании – 2,1 %, Германии – 1,2 % и в Японии – 4,5 %<sup>32</sup>.

В современных условиях глобализации усиление процессов интеграции национальных экономик в мировое хозяйство, требует организаций элементов налоговых механизмов, более направленных в качестве стимулирующих механизмов в формировании доходов различных уровней бюджетов. В связи с этим, проводится ряд научных исследований по решению теоретических и практических задач повышения эффективности механизмов налогообложения в странах с различным уровнем социально-экономического развития. В частности, по рациональному закреплению доходов на разных уровнях бюджетов, достижению экономического роста и повышению эффективности налоговых механизмов путем изменения налоговых ставок. Однако, различные особенности и меняющиеся тенденции международной практики в мире вызывают необходимость обеспечения эффективности налоговых механизмов на основе приоритета местных условий при формировании дохода бюджетов территорий и регионов стран.

Обеспечение эффективности механизмов налогообложения при формировании доходов бюджета в регионах Узбекистана определено в качестве одного из актуальных вопросов. В соответствии с осуществляемой «Стратегией действий» проводятся мероприятия по расширению масштабов диверсификации и модернизации экономики и уменьшению социально-экономических различий между регионами за счет ускоренного развития районов и городов с относительно низким уровнем развития. В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» определены приоритетные задачи по расширению источников дохода местных бюджетов, обеспечивающих решение социальных проблем за счет стабильного развития регионов и отраслей, по дальнейшей оптимизации расходов бюджета, уменьшению субвенционирования районов и городов, улучшению качества и эффективности налогового администрирования, совершенствованию налогообложения с целью поддержки развития предпринимательства<sup>33</sup>. Выполнение данных задач показывает

<sup>32</sup> <http://www.oecd.org/eco>

<sup>33</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за №ПП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

необходимость внедрения на практике эффективных механизмов налогообложения, обеспечивающих увеличение бюджетных поступлений в регионах страны. В связи с этим, значимыми являются полное использование потенциала регионов, анализ и изучения основных факторов, влияющих на стабильный рост местных бюджетных поступлений, что в свою очередь, требует решения проблем по обеспечению эффективности налоговых механизмов путем внедрения приоритетных потенциалов в жизнь по координации уровня социально-экономического развития регионов.

Диссертационная работа в определенной степени служит осуществлению задач, выдвинутых в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, №УП-5116 от 18 июля 2017 года “О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей”, №УП-5308 от 22 января 2018 года “О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий»”, Постановлении Президента №ПП-2731 от 18 января 2017 года “О государственной программе по развитию региона Приаралья на 2017-2021 годы”, Распоряжении №Ф-5214 от 13 февраля 2018 года “Об организационных мерах по кардинальному совершенствованию налогового законодательства”, а также в других нормативно-правовых документах по данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации**<sup>34</sup>. Научные исследования по повышению эффективности механизмов налогообложения в формировании доходов бюджета, оцениванию эффективности бюджетно-налоговой системы, уменьшению налогового бремени и реформированию налоговой системы осуществляются ведущими мировыми научными центрами, высшими образовательными учреждениями и международными финансовыми организациями, в том числе: The World Bank (WB, США), International Monetary Fund (IMF, США), International Finance Corporation (IFC, США), Tax Administration Research Centre (TARC, Великобритания), Organization for Economic Cooperation and Development (OECD, Франция), Asian Development Bank Institute (ADBI, Япония), Harvard University (США), General Taxation and Customs Union (ЕС, Брюссель), Umwelt und Prognose Institut (UPI, Германия), University of Business and Technology

---

<sup>34</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен по источникам <http://www.esrc.ukri.org>; <http://www.wordbank.org>; <http://www.imf.org>; <http://www.ifc.org>; <http://www.oecd.org>; <http://www.harvard.edu>; <http://www.uk.jstor.org>; <http://www.ubt.edu.sa>; <http://www.upi-institut.de>; <http://www.msu.ru>.

(UBT, Саудовская Аравия), Chung Ang University (Южная Корея), Lithuania Business University of Applied Sciences (Литва), Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова (МГУ, Россия).

